

## APPLICATION OF SUBJECTIVE EVALUATION FORMS IN SHAROF BOSHBEKOV'S DRAMA "IRON WOMAN"

Imomova Ismigul Sirojiddin kizi

Master of the Faculty of Philology of SamSU Ismigulimomova@gmail.com

+998941899622)

### Annotation:

In works of art, especially dramatic works, all linguistic units are involved in the realization of the writer's purpose. These language units contribute to the formation of a creative individual style, ensuring the originality of the speech of the protagonists, the vitality of the language of the work,

It is active in increasing the effectiveness and sincerity. One of such means is -jon, -hon, -bek, -boy, -toy, -gina, -cha, -chok, chak, which are considered to be subjective forms of assessment, and these suffixes show all their stylistic features in the text. It is used in the context of context, not only in the sense of diminishing, but also in a number of senses, such as respect, irony, augmentation, expressiveness, expressiveness. We tried to learn these meanings on the basis of Sharof Boshbekov's drama "Iron Lady". Keywords: Sharof Boshbekov, drama, subjective forms of assessment, poetic individuality, populism, liveliness, sincerity.

Мақола мавзусини ёритишда тавсифлаш, контекстуал таҳлил, лингвопоэтик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Кириш:** Бадиий асарларда, хусусан, драматик асарларда ҳам барча тил бирликлари бадиийликни, таъсирчанликни, ифодавийликни ошириш, индивидуалликни таъминлаш, ўзига хос образ яратиш, ижодкор ғоявий мақсадни амалга ошириш учун фаол қўлланилади. Жумладан, *-бой, -хон, -бек, -ой, -жон, -гина, -лоқ, -той, -вой, -пошиша* каби кичрайтириш-эркалаш қўшимчалари (манбаларда субъектив баҳо шакллари деб ҳам юритилади[4]), асосан, қаҳрамон нутқига хос бўлиб, мурожаатда қулайлик учун, субъектив муносабатни ифодалаш, нутқ таъсирчанлигини ошириш, содалик, табиийликни юзага келтириш мақсадида қўлланилади.

**Асосий қисм:** Шароф Бошбековнинг “Темир хотин” драмасида ҳам ушбу морфологик воситалар алоҳида аҳамият касб этиб, ҳар бири ўзига хос лингвопоэтик вазифа бажарган. Масалан, асарнинг бош қаҳрамони Қўчқор тилида бошқа қаҳрамонлар нутқида кам қўлланилган, шу қаҳрамон нутқини индивидуаллаштиришда иштирок этган *-той* қўшимчаси қаҳрамоннинг ўзига хос табиатини очишда роса қўл келган. Қаҳрамон *Олимтой, ўғилтой, Бозортой* деб мурожаат қилганда, самимий, халқона мурожаатни эшитамиз, ўзбекона нутқнинг бир қиррасини кўрамиз, Қўчқорнинг ўз кадрдонларига нисбатан содда, эркин, дўстона муносабатини ҳис

қиламиз: *Олимтой!!! ...Яратиб қўйганингдан айланай! Энди мундоқ ўтир (2.–Б.15. Кейинги мисоллар ҳам шу манбадан олинди); –Бозортой!..Хў, Бозортой! Бир қараб юбор, жўра, икки оғизгина гапим бор! (42); Ўғилтой, келдингми-а, жигарим!..(Талпиниб) Сөгинтириб қўйдинг-ку, ўғилтой (43).* Бундан ташқари, охириги мисолда эркалаш маъноси ҳам бор, бу эркалаш ҳам драмада фақат Қўчқорнинг ўзига хос эркалаш шаклидир. Драматургнинг субъектив баҳо шакллариининг лингвопоэтик хусусиятларидан фойдаланиш маҳорати унинг бошқа қаҳрамонлари тилида қўллашида ҳам кўринади. Масалан, мулла Сувон нутқида –бек, Шарофат нутқида -вой, -гина, Қумри нутқида -жон қўшимчалари сўзларга қўшилиб, қаҳрамон нутқининг ўзига хослигини таъминлаган: *Сувон. Қўчқорбек, мен оталарининг исмини сўраялман, қаерда ўсганлар, деб эмас; Мелиса чақирайми, Қўчқорбек? (21-22); Шарофат. Бозорвой акам келувдилар, икки қопгина бақлажон олиб, бозорга кетувдилар (42); Қумри. Туробжон, бор, болам, кўчага чиқиб қара-чи, акаларинг келяптимики(44).* Мазкур мисоллардан англашилиб турибдики, ҳар бир қаҳрамон нутқида алоҳида субъектив баҳо шаклидан фойдаланмоқда. Бунда нафақат индивидуаллик ҳосил қилиняпти, балки шу воситалар ҳам қаҳрамон характери, савияси, жинси, руҳиятини очиб беришга хизмат қилмоқда. Масалан, мулла Сувон эл хизматыни қилади, элнинг муносабати унга муҳим, шунинг учун унинг ўзи ҳам инсонларга алоҳида ҳурмат билан ёндашади. Бу унинг муомаласида ҳам сезилади. Агар у мурожаат қилган киши Қўчқорбек эмас, Бозорвой бўлганда ҳам, Олимжон бўлганда ҳам уларнинг исмига –бек субъектив баҳо шаклини қўшиб, ўз ҳурматыни билдирар эди. Қўчқорбекка қўшни аёл Шарофат ўз турмуш ўртоғи исмига -вой қўшимчасини қўшади, лекин унинг нутқида ушбу аффикс салбий муносабат ифодаламайди, чунки Шарофат ўз нутқида ҳурмат маъносида -лар қўшимчасидан фойдаланади: *Шарофат. Бозорвой акам келувдилар, икки қопгина бақлажон олиб, бозорга кетувдилар. Ўзбек оналари фарзандлари исмига -жон, -бой, -бек, -той, -гина, -хон, -ой каби эркалаш шакллариини қўшиб айтади, бу билан ҳам қаноатланмасдан, бу шакллардан сўнг эгалик қўшимчаларини қўшади: болажоним, эркатоим, оппоққинам, болагинам каби. Ушбу ҳолат Қумри нутқида ҳам яққол кўзга ташланади: Қумри. Туробжон, бўла қол, болам (4).* Субъектив баҳо шакллари эгалик қўшимчаси билан биргаликда нафақат кичрайтириш-эркалаш оттенкасини беради, балки ўзбек аёлининг, ўзбек оналарининг ўзбекона нутқини ҳосил қилишга ёрдам беради. Бу нутқда фахр, оналик меҳри мужассам бўлади: *Туробжонингиз кўчага чиқиб олиб, фақат сизни кутади(44).* Мисоллар таҳлилидан кўриниб турибдики, Ш.Бошбеков сўзлашув нутқида хос бўлган барча жиҳатлардан унумли, ўринли фойдалана олган. Бу драматургнинг юксак маҳоратидан дарак беради.

Бизга маълумки, *-ча* кўшимчаси сўз ясовчи, шакл ясовчи вазифасини бажариб, шаклдош кўшимчадир. Р.Кўнғуровнинг “Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари” монографиясида бу кўшимчанинг *олача, бўйинча, қизилча* каби сўзларда от; *ортиқча(ган), ўзбекча(қуй)* каби сўзларда сифат; *янғича, истаганча* каби сўзларда равиш сўз туркуми ясаши айтиб ўтилган [4.–Б.64] Ва ушбу монографияда *-ча* кўшимчасининг асосий субъектив маънолари: соф кичрайтириш, эркалаш, камситиш, менсимаслик каби эмоционал-экспрессив маънолари ҳақида маълумотлар берилган бўлиб, бу аффикснинг турли маънолар англатиши, ижобий ва салбий баҳо ифодалашга хизмат қилиши контекст, лексик-грамматик куршов, негиз англатган маъно билан боғлиқ бўлиши айтиб ўтилган[4.–Б.67]. Биз тил хусусиятларини ўрганаётган “Темир хотин” комедиясида *-ча* кўшимчаси Салтанат нутқида менсимаслик маъносида қўлланилган бўлиб, Салтанат характерини очиб беришга хизмат қилган: *Олимжон. Қўйинг кеннойи, меҳмон бор, деяптилар-ку. Салтанат. Ҳу, олимча, шу томорқа билан бола-чақа боқаман(29).*-гина кўшимчаси ҳам шаклдош бўлиб, “субъектив баҳо формасини ҳосил қилади, урғусиз ҳолатда айирув-чегаралов юкламаси вазифасини бажаради” [5.–Б.408]. Р.Кўнғуровнинг таъкидлашича, *–гина* субъектив баҳо ифодалашдаги энг маҳсулдор кўшимча бўлиб, от, сифат, сон, равиш, равишдошларга кўшилганда эркалатиш, таъкид каби маъноларни ифодалашга хизмат қилади[4.–Б.86-87]. Бу кўшимча ҳисоб сўзларга кўшилганда, миқдорни чегаралаш маъносини англатади: *Шарофат. Бозорвой акам икки қопгина бодринг олиб, бозорга кетувдилар (6)* Бироқ улар миқдорни чегаралаш маъносини ташқари ўзига хос нутқ яратишга ҳам хизмат қилади: *Қўчқор. Ҳа, энди бузманг-да, Олимтой. Шундай нарсани бузсангиз, уволи тутиб, қўлгинангиз акашак бўп қолмайдими!(17); Зерикмайгина ўтирибсизми, Аломатхон?(18)* Шароф Бошбеков *-гина* субъектив баҳо шаклининг ушбу хусусиятидан аёллар нутқида хос бўлган жиҳатларни кўрсатиб беришда унумли фойдаланади: *Салтанатнинг овози. Кишит! Кишит-э, қирилибгина кетгур!...Илойим қиргин келсин ҳаммасига! (27)* –лар кўплик кўшимчасининг ҳурмат, кесатиш, умумлаштириш, кучайтириш каби услубий маънолари сўзлашув нутқида кенг қўлланилиб, шу маънода драма қаҳрамонлари нутқида учрайди. Масалан, Шарофат ўз турмуш ўртоғи ҳақида гапирганда ҳар бир сўзга ҳурмат маъносини берувчи *-лар* кўшимчасини кўшади: *Қўчқор. Шу, десангиз...Бозортой уйдаими? Шарофат. Бозорвой акам икки қопгина бодринг олиб, бозорга кетувдилар. Қўчқор. Ҳа-а...Уйда бўлса ток қайчисини бериб турсин, девдим. Ишком жа тарвақайлаб кетибди... Шарофат.Келсалар ўзларидан сўрарсиз, бўлмаса уришиб берадилар(6).*

**Хулоса:** Хуллас, драматург субъектив баҳо шакллари *-той, -бек, -вой, -гина, -жон, -лар* кўшимчалари ёрдамида Қўчқор, Аломат, Шарофат, Мулла Сувон, Салтанат нутқини

индивидуаллаштиришда, ҳар бир қаҳрамон характери ни қаҳрамоннинг ўз нутқи ёрдамида очиб беришга муваффақ бўлган. Бундан ташқари драма тили табиийлиги, халқчиллиги, самимийлигини, таъсирчанликни оширишда субъектив баҳо шакллари дан ўринли ва унумли фойдаланган.

### **Адабиётлар:**

1. Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби. – Самарқанд: Зарафшон, 1992.
2. Бошбеков Ш. Темир хотин. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi.
3. Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек тилининг сўзлашув услуби. –Тошкент: Фан, 1991.
4. Қўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1980.
5. Гуломов А., Тихонов А.Н., Қўнғуров Р. Ўзбек тили морфем луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1977.